

— Каёкка, Антуан? — сўради эридан Франсуаза Кеснэ.

— Почтага. Хат жўнатмокчи эдим. Бахонада Мауглини хам айлантириб келаман. Ёмгир тинди. Ментона осмонидан булутлар ариди. Хаво очилиб кетадиганга ўхшайди.

— Кўп колиб кетма, тезрок кайт. Мен тушликка Сабина Ламбэр-Леклеркни эри билан айтиб кўйганман. "Эклерер"да Ниццага бир неча кунга келишганини ўқидим... Шундан кейин Сабинага хат ёзиб юбордим...

— О, Франсуаза, нега бундай килдинг? Унинг эри юритаётган сиёsat одамларнинг нафратини кўзгаяпти. Сабинанинг ўзи бўлса...

— Кўп жаврама, Антуан... Сабинани ёқтирмайман деб ишонтиришга хам уринмай кўякол... Биз сен билан танишган кезларда у сенинг каллигинг хисобланармиди?

— Хамма гап шунда-да! Сенга уйланганим учун у мени кечириб юборган деб ўйлайман... Бунинг устига уни кўрмаганимга хам ўн беш йилча бўлди. Аллакачон пишиб етилиб, ўтиб кетган бўлса хам ажаб эмас...

— Канакасига етилиб ўтиб кетар экан?! У мендан атиги уч ёш катта, холос... Лекин, барибир, энди бахслашишнинг хожати йўк... Сабина эри билан кечкурун соат саккизда шу ерда бўлади.

— Мен билан маслахатлашсанг бўлмасмиди?.. Нега таклиф килдинг уларни? Норози бўлишимни билардинг-ку...

— Яхши айланиб кел... — деди Француаза кувноклик билан ва шоша-пиша хонадан чикди.

Антуан ораларида жанжал кўпмаганига афсусланди. Бу хотинининг хар доимдаги устомонлиги эди — у хамиша бахсларга чап бериб кетарди. Антиб бурунининг хиёбонларида бесўнакай ўсан карагайлар ораларида одимлар экан, у ўйларди: "Француаза сиркаси сув кўтармайдиган бўлиб колди. Бу эру хотинлар билан учрашишга токатим йўклигини у жуда яхши биларди. Шунинг учун хам у режалари тўгрисида менга хеч нарса демаган... Кўпинча Француаза килгиликни килиб кўйгандан кейин мени хабардор килаяпти. Ахир, Сабина Ламбэр-Леюэджни чакириб нима киларди? Факат мену болалардан бошка хеч ким билан учрап май сикилиб кетгани учун шундай килдимикин? Шундок хам бўлаколсин. Лекин бу ерларга келиб колишни ким хохлаган эди? Ким мени Понде-л Эрни тарк этишга, шпларни йигиштиришга, кариндош-уруглардан узоклашиб, ўзим истамаган холда истеъфога чикишга кўндирган эди?"

Хар гал у ўзидан ўтган аламларни ўйлай бошласа, уларнинг рўйхати анча узун бўлиб чикарди. Антуан хотинини яхши кўриб уйланган эди. Хозиргача у хам эркак сифатида, хам рассом сифатида хотинига талпинишдан тўхтамаган. У хотинининг бежирим бурнини, макр тўла нурли кўзларини, хуснда танҳо чехрасини соатлаб, кўз узмасдан томоша килиб ўтира оларди. Аммо гохи-гохида шунака гашига тегар эдики... Уйга жихоз олишда, либос танлашда, гуллар харид килишда Француазанинг диди жуда баланд эди. Аммо одамларга мунсабатда унга одоб етишмай коларди. Агар Француаза унинг дўстларидан бирини тахкирлаб кўйса, Антуан каттиқ изтироб чекар эди. Бунака тахкир учун у ўзининг жавобгарлигини хам, ночорлигини хам хис киларди. Аввалига у хотинини таъна-дашномларга кўмиб ташларди. Бу таъна-дашномларни Француаза ранжиб тинглар ва уларга эътибор бермас эди. Чунки билардики, кечаси томирларида хохиш жўш урганда Антуан хотинининг хамма гунохини кечиб юборади. Кефшчалик

хотинининг феълу-авторига кўна бошлади. Ўн йил бирга ўтказилган турмушдан англадики, хотинини бошкacha килиб бўлмайди.

— Маугли, бери кел!

Антуан почта бўлимига кирди... Кайтаётгандада у Француаза тўгрисида ўйлашда давом этди ва ўйлаган сари кайфияти тундлаша борди. Loакал хотини унга бевафолик килмаганмикин? У бунга ишонарди. Лекин билардики, хотини қўпинча ўзини ашаддий таннозлардай тутар ва баъзан эса одоб доирасидан хам чикиб кетарди. Сабинага ўйланганида бахтлирок бўлармиди? У Понде-л Эрдаги bogни эслади. Сабина билан ёшлигида шу богда учрашарди. Бутун шахар уларни унаштирилган деб хисобларди. Уларнинг ўзлари хам бу тўгрида хеч оғиз очмасалар-да, эртами-кечми турмуш куришларига шубха килишмасди.

"У жуда жўшкин табиатли киз эди-да", — деб ўйлади Антуан ракс тушганларида Сабина пинжига кандай сукилганларини эслаб.

Сабина билан висол чоғларида Антуан дадил харакат килар, кизнинг каршилик килмаслигини хис килиб, довдираб колмас эди. Антуан юрак-юракдан унга якин бўлмокни хоҳларди. Кейин Француаза пайдо бўлди ва бутун дунёнинг аёллари унинг учун йўқдай бўлиб колишди... Эндиликда Француазага бир умр bogланган. Ўн ииллик хаётни бирга ўтказиши. Учта фарзанд. Бўлари бўлиб бўдци.

Аммо у меҳмонхонада хотинини юпка гуддор кўйлакда, бутун вужудидан нафосат анкиб турган бир холда кўрганида гашлиги дархол ўтиб кетарди. Ахир, улар истикомат киладиган уй хам, меҳмонлар хамиша койил колиб хавас киладиган bog хам Француазанинг меҳнати билан бунёдга келган. 1929 йил бўйронидан бир неча йил аввал Пон-де-л Эр билан заводни тарк этишга кўндирган хам айни Француаза бўлган эди.

Агар хаммасига адолат юзасидан баҳо берадиган бўлса, Француаза унга баҳт келтирди.

— Мишлина билан Бако биз билан бирга тушлик килишмайдими? — деб сўради у.

Шундан унинг умиди катта эди, чунки меҳмонлар билан гап сотишиб ўтиргандан кўра болаларнинг чугур-чугуридан роҳатланиб ўтиришни афзал биларди.

— Йўқ, — деб жавоб берди Француаза. — Менинча, меҳмонлар билан ўзимиз ўтирасак яхширок бўларди... Бўйинбогингни тўгрилаб ол, Антуан.

"Яхширок эмиш!" — Антуан токат килолмайдиган яна бир сўз шу эди. Йўқ, "яхширок" бўлмайди, — деб ўйлади у кўзгу олдида бўйинбогини bogлар экан. — Сабина маҳмаданалик кила бошласа керак. Француаза эса тўнгакка ўхшаган мактанчок министрга нозу карашма килишга тушади. Антуаннинг ўзи бўлса оғзига сув согандай мик этмай ўтиради.

— Яхши бўлади! »

У автомобиль келиб тўхтаганини, гижирлаб, гилдираклар кумда гийкиллаганини эшитди. Эру хотин Кеснэлар коматларини ростлашди. Бир лахзадан кейтн меҳмонлар кириб келди.

— Хайрли окшом, жонгинам, — деб хитоб килди Француаза Сабинани ўпар экан. —

Хайрли окшом, жаноб министр!

— Йўқ, жонгинам! — деди Сабина. — Менинг эримни "министр" деб атай кўрма... Мени "Сабина" деб атайсан-ку. Уни хам "Альфред" деб чакира кол... Хайрли окшом, Антуан... Окшом иликкина, хаво очик эди. Француаза кофени айвонга келтиришни буюрди. Стол ортида гаплар унча ковишавермади. Аёллар зерикиб колишди. Антуан эса ўзидан энсаси котиб, ўжарлиги тутиб, Ламбер-Леклеркка гап кайтариб ўтирди. Министр эса ундан кўра кўпроқ ахборотга эга бўлгани учун, бахсада осонгина унинг шохини кайириб

ташларди.

— Сиз оптимистик кайфиятдасиз, негаки, хокимият тепасидасиз, — деди Антуан. — Аслини олганда эса, Франция фоже ахволда...

— Ундоқ эмас, азизим. Йўқ, ундоқ эмас, — жавоб берди Ламбэр-Леклерк. — Молиявий кийинчиликлар хеч качон фожиона бўлмайди. Француз бюджети олти асрдан бери хамиша камомадга эга!.. Ха, гапимга ишонаверинг! Вакти-вакти билан кишлок заминдорларини сикишириб турмок керак. Акс холда, биз нимага эга бўлардик? Ришелье давридан бошлаб бу сармояларнинг катта фоиз эвазига банкка кўйилганини тасавур килиб кўринг.

— Инглиз бюджети камомад нималигини билмайди, — деб гўдирлади Антуан. — Хатто унда даромад кисми хамиша харажат кисмидан кўпроқ бўлади. Хар холда, менга шуниси маълумки, бундан инглизлар сира азият чекишимайди.

— Азиз дўстим, — деб жавоб берди Антуанга Ламбэр-Леклерк, — мен сира тушунмадим-тушунмади-да, француздар бу икки мамлакатни таккослашга мунча ўч бўлишмаса?.. Ахир, уларнинг тарихи бошка-бошка, расм-русумлари бир-биридан фарқ килади, эҳтиёжлари хам хар хил... Агар Франция чиндан хам бир мувозанатдаги бюджетга эҳтиёж сезганида, биз буни бир зумда тўғрилар эдик. Аммо Франция мутлако бунга интилмайди. Колаверса, Франция шу максадга эришишга олиб келадиган воситаларга рози бўлишдан унчалик манфаатдор хам эмас. Бюджетнинг канака бўлиши молиявий масала эмас, сиёсий масала. Сиз менга айтинг — мамлакатни бошкараётганда сиз кайси кўпчиликка таянмокчисиз? Шуни айтсангиз, мен бюджетингиз канака бўлишини айтиб бераман. Молия вазирлиги истаган бюджетингизни тайёрлаб бериши мумкин.

Аллакандай сезилар-сезилмас белгиларга, нигохи бирданига қаҳрли бўлиб колганига караб Франсуаза сезди: хозир бирданига эрининг газаби тутиб колади. У сухбатга аралашмокни зарур билди.

— Антуан, — деди у. — Сен Сабина билан бирга монастирга сайд килиб келсанг бўлармиди? У ердан очиладиган манзарани Сабинага кўрсатасан.

— Майли, у ерга хаммамиз бирга бора колайлик, — деб таклиф килди Антуан.

— Йўқ, Йўқ, — деб эътиroz биддириди Сабина. — Франсуазанинг гапи тўгри... Эру хотинларни бир-биридан ажратиш керак... Шунда кизикрок бўлади...

У стол ортидан турди. Антуан хам ноилож ўрнидан туриб, Сабинага эргашишга мажбур бўлди. Туарар экан, у Франсуазага зарда билан караб кўиди, аммо Франсуаза унинг караганига парво килмади.

"Хавотир олганларим тўгри чикаяпти, — деб ўйлади Антуан... — Энди камида ярим соат Сабина билан хилватда ёлгиз бўлмогим керак. У шўрлик ўн йилдан бери кутади — нега бундай бўлганининг сабабини айтишимни истайди. Хозир шуни сўраб колмаса бўлди.

Нахотки, Франсуаза мана шу ўзига бино кўйган министрнинг ишкибозлигига ўлиб турган бўлса?!"

— Мунча хушбўй хид? — деди Сабина Ламбэр-Леклерк.

— Бу апельсин дарахти... Биз ўтирган жойнинг хам томи апельсин ва лимон дарахтларининг навдаларидан, глициний ва атргуллардан тўкилган... Аммо бизнинг атргулларимиз ёввойилашиб колди... Янгиларини улаш керак... Бу ёкка, Сабина, манави сўкмокка буриламиз. Ундан пастликка тушамиз...

— Сиз ўзингиз-чи, Антуан? Бу хилватда ўзингиз хам ёввойилашиб колмадингизми?

— Менми? Мен хамиша ёввойи бўлганман... Коронгода бирон нарсани илгай оляпсизми?

Ана, каранг, бассейннинг икки ёнида кишда гуллайдиган гуллар ўсади. Богни режалаштираётганда сиёхранг ёхуд гунафшаранг тўқ ранглар билан мовий ёхуд сарик гуллар ўртасидаги зидлик асос килиб олинган. Хар холда, Франсуазанинг нияти шунака эди. Мана бу ёнбагирда эса у антика дараҳтлардан калин бутазор ўстирмокчи эди.

— Сиз билан холи колганимиздан манмунман, Антуан... Мен сизнинг хотинингизни жуда яхши кўраман, лекин шундок бўлса хам у билан танишмасингиздан олдин биз сиз билан калин дўст эдик... Буни унутиб юборганингиз йўкми?

Сабинага хадцан зиёд якинлаб кетмаслик учун эҳтиёт юзасидан кадамини секинлатди:

— Нега ундей дейсиз, Сабина? Унутиб бўларканми, а?.. Йўк, сиз тўгрига юраверинг. Хозир кўприкча келади. Ана, монастирга хам келиб колдик. Плиталар орасида ўсиб ётган гулларга каранг...

— Менинг биринчи балим эсингиздами? Мени бобонгизнинг машинасида уйимга олиб бориб кўйган эдингиз... Ота-онам ухлаб колишган экан. Биз кичкина меҳмонхонага кирдик... Бир оғиз гап айтмасдан мени багрингизга босдингиз. Шунда икковимиз яна ракс туша бошладик.

— Ўша окшом сизни ўпидиб хам олгандим, шекилли?

— Ўпидиб олган эмиш... Роса бир соат эзиб ўпишгандик... Жуда хам зўр бўлганди.

— Мендан роса кўнглингиз колган бўлса керак?

— Аксинча. Урушнинг бошларида жасоратингиз билан мени буткул мафтун этган эдингиз. Ўзингизни тутишингиз жуда ажойиб эди. Мен хамма мукофотларингизни тутилмасдан айтиб бера олардим. Улар хозиргача эсимда. Санаб бер дессангиз, бирма-бир айтиб бераман... Кейин сиз ярадор бўлдингиз, тузалганингиздан кейин эса Франсуаза Паскаль-Бушега уйландингиз. Ростини айт-сам, ўшанда каттик хафа бўлдим. Ахир, бошкacha бўлиши хам мумкин эмас эди-да... Ахир, мен сизни жуда яхши кўрардим-да... Мен Фрасуаза билан аввалдан яхши таниш эдим, биз Сен-Жан лицейида бирга ўкигандик. Мени кечирасиз-у, Антуан, Франсуазанинг истараси иссик, лекин бироз тентаксифатрок эди. Шу кизга уйланганингизни эшлитиб, хайрон бўлдим ва сизга ачиндим. Бир менгина эмас, бутун шахар ачинган эди.

— Нега энди? Биз Франсуаза билан бир табаканинг одамларимиз ва бир-бириимида тўгри келамиз... Бу томонга бир каранг, Сабина: хов анави кояни кўряпсизми? Багрида куёш шуълалари ўйнаяпти. Бу коя — Монако... Жуда хам каттик энгашманг — турган жойимиз денгаз устида. Эҳтиёт бўлинг, Сабина!

Антуан беихтиёр унинг белидан ушлади. Сабина эса яшин тезлигида унга ўгирилиб, лабларидан каттик ўпидиб олди.

— Нима бўлса бўлар, Антуан. Жуда хам шундай килгим келган эди. Бир вактлар сенга якин бўлган одамдан ўзингни олиб кочишинг кийин бўлар экан... Теннис майдончасида ўпишганларимиз эсингиздами? О, хижолат бўляпсиз, шекилли? Хакикий Кеснелигингизча колибсиз-да... Хамиша вафодор эр бўлганингизга зарра шубҳам йўк...

— Хаддан ташкари вафодорман... Бокираман десам бўлади...

- Ўн йилдан бери шунакамисиз? Шўрлик Антуан!.. Шу ахволингиздан баҳтиёрмисиз?

— Баҳтим тўқис...

— Ундей бўлса, жуда хам яхши, азиз Антуан. Факат бир нарсани тушунмаяпман — ундоқ бўлса, нега ахволингиздан баҳтсиз одамга ўхшайсиз?

— Нега бунака деяпсиз?

— Билмадим... Шунчаки... Сизда аллакандай коникмаганликни, алланечук безовталикини сезяпман. Зардангиз кайнаётганга ўхшайди... Хар нима деганингизда хам, Антуан, хар

калай, сиз Пон-де-л Эркдан чиккан хакикий Кесне эдингиз, яъни одамларга пешво бўлиб ўрганган фаол одам эдингаз. Энди эса суйган ишингизни тарк этиб, дўстларингизни олисда колдириб, бу ерда яшаётирсиз... Биламан, сиз хотинингизнинг дидига мос бўлиш учун хамма нарсадан воз кечгансиз... Аммо хеч качон бунга афсус чекмаётганингизни тасаввур килиш кийин.

— Эҳтимол, бошда мен анча-мунча сикилган бўлсан бордир... Кейинчалик ўзимга бошка машгулот топиб олдим. Бутун умрим давомида тарихга кизикиб ўтганман. Эндиликда шу фан билан жиддий шугуллана бошладим... Мен хатто бир нечта китоб хам ёздим. Улар бирмунча муваффакият козонди.

— Бир мунча дейсиз-да! Сизнинг китобларингаз жуда катта муваффакият козонган, Антуан. Улар ажойиб асарлар... Айникса, Людовик XI хакидаги асарингиз...

— Сиз китобларимни ўкиганмисиз?

— "Ўкиганмисиз" деб сўрайсиз-а! Юз марталаб ўкигандирман. Биринчидан, мен хам тарихни жуда яхши кўраман. Иккинчидан эса, бу китоблардан сизни изладим, Антуан! Мен хамон сизга таалукли нимаики нарса бўлса хаммасига кизикаман. Мен сизни жуда яхши ёзувчи деб хисоблайман. Йўқ, гапимда заррача муболага йўқ... Ростини айтсам, тушлик вактида хаётингазнинг бу жихати хакида Франсуаза бирон нарса деб оғиз очмагани мени хайрон колдирди. Икки-уч марта эрим китобларингиз хакида оғиз очмокка уриниб кўрди, лекин хар гал Франсуаза унинг гапини бўлиб кўяверди... Менимча, у сизнинг ижодингиз билан хар канча гурурланса арзиди.

— Э, кўйсангиз-чи! Бунинг нимасига гурурланади? Лекин гапингизнинг бир жихати тўгри — Франсуаза бунака китобларга кизикмайди... У романларни афзал кўради... Мухими шундаки, Франсуазанинг ўзи шоирона табиатга эга. Кийимларини нечоглик дид билан танлаганига каранг. Унинг барпо килган боги кандай ажойиб! Хар бир гулнинг жойини ўзи танлаган. Бўхрон Пон-де-л Эрни хам исканжасига олгандан кейин бизнинг даромадларимиз камайиб кетди. Эндиликда Франсуаза хамма ишни ўзи килишга мажбур бўляпти.

— Франсуаза хамма ишни ўзи килади денг?! Франсуазанинг диди баланд денг! Гаройиб жойи шундаки, бу гапларнинг хаммасига ўзингиз чиппа-чип ишонасиз. Жуда хам камтар одамсиз-да, Антуан... Мен Франсуазанинг кизлик чогидан бери биламан. Унда диди хозиргига караганда киёс килиб бўлмайдиган даражада паст эди. Хар ходда, у хам Паскал-Буше оиласининг бошка аъзолари каби безакларга ва бошка майда-чуйдаларга жуда ўч эди...

— Сиз адашяпсиз, Сабина... Бу либосни Франсуазанинг ўзи тиккан, унга хизматчи аёл кўмаклашиб турган, холос.

— Кўйсангиз-чи, Антуан, биз — аёлларни алдай олмайсиз. Чокларини каранг, бурмаларининг нафислигини каранг... Бундан ташкари, бунака кимматбахо матони факат Скъяпареллидан топиш мумкин... Лекин буларнинг унча ахамияти хам йўқ.

— Ундей деманг. Биз сиз ўйлагандан мухимрок, Сабина! Мен сизга айтдим-ку — биз хозир маблаг масаласида анча-мунча кийналганмиз. Аввалги даромадлар кайда-ю, хозиргиси кайда! Пон-де-л Эрдан хозир бир тийин наф бўлмай колган. Бернарнинг ёзишича, бу ахвол бир неча йил давом этиши мумкин экан... Китобларим анча тузук таркалиб турипти. Баъзан маколалар хам ёзиб тураман... Шуларнинг хаммасига карамай, бечора Франсуаза энг зўр бичикчиларга буюртма бера олмайди.

— Агар шундок бўлса, бу айни мўъжиза экан, Антуан! Акл бовар килмайди-ю, лекин ажойиб. Франсуаза кошида бош эгиб таъзим килишдан бошка иложим колмайди...

Сирасини айтганда, мен хамиша унга яхши муносабатда бўлганман. Факат хеч тушуна олмайман — Франсуазани нега ёқтиришмас эканлар?

— Уни ёқтиришмайдими?

— Ёқтиришмайди эмас, уни кўргани кўзлари йўк... Нахотки, бундан бехабарсиз? Мени лол колдирган нарса шу бўлдики, бир замонлар уни Пон-де-л Эрда кандай ёмон кўришган бўлса, Ниццеда хам шунчали ёмон кўришар экан.

— Нима сабабдан ёмон кўришаркан?

— О, аввал нима учун бўлса, хозир хам ўшанинг учун... Худбинлиги учун, нозу карашмалари учун, аёллар билан муомаладаги макрлари учун... Муновиклиги... Одоб билан нарсадан узоклиги учун... Эсимда, мен уни хамиша химоя килардим. Сен-Жан лицейида бирга ўкиб юрган вактларимиздаёк мен шундай дердим: "Франсуаза Паскаль-Буше аслида яхши аёл. Афтидан, гапларининг сунъийлига, овозининг дагаллиги туфайли сизлар уни ёқтирумай колган бўлсаларинг керак..."

— Сиз унинг овозини дагал деб хисоблайсизми?

— Нималар деяпсиз, Антуан! Лекин ўн йил бирга туриб, сиз кўнишиб колган бўлсангиз керак-да! Айтганча, бу унинг айби эмас. Бунинг учун таъна килмайман... Мен бошка бир килиги учун уни сира кечира олмайман: сиздек одамга турмушга чиккан бўлса-да, у айни чоқда...

— Айни чоқда?.. Нима демокчисиз бу билан?

— Йўк, хеч нарса...

— Йўк, Сабина, шаъмага тўла иборани бошлаб кўйиб, ярмидан узиб кўйишга хаккингиз йўк... Балки сизга шу маълумотларнинг хаммасини айтган одамлар Франсуазанинг ўйнашлари хам бор дейишгандир?

— Сиз астойдил сўраяпсизми, Антуан?

— Астойдил бўлганда кандок. Ишонаверинг...

— Ўзингиздан колар гап йўк, азизим, хар кандай келишган аёлни гийбат килмай кўйишмайди... Ким билсин... Баъзан ўтсиз хам тутун бўлиши мумкин... Франсуаза сира орка-олдига караб юрмайди. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, Пон-де-л Эрда турган кезларингиздаёк оғзига кучи етмаганлар уни укангизнинг ўйнашига чикариб кўйганди.

— Бернарнингми?

— Ха-да, Бернарнинг!

— Роса бемаъни гап-ку! Бернардан халолрок одам йўк дунёда...

— Гапимга ишонаверинг, худди шуни мен хамманинг кулогига тинмай куйдим... Уни нечоглик матонат ва бардош билан химоя килганимни Франсуаза хатто хаёлига хам келтира олмайди... Ой нурида кумушдай товланиб турган анави нарса нима?

— Уми? Зарпечак...

— Жуда чиройлик-а! Гефсиман богларидаги гулларни эслатар экан... Нима дедингиз?

— Йўк, эслатмайди... Кайтгингиз келмадими?

— Мунча шошилмасангиз, Антуан?.. Бу бодга сиз билан бажону дил тун бўйи колардим...

— Этим уюшиб кетяпти...

— Кўлингизни беринг... Ростдан хам кўлингиз муздан бадтар совиб кетипти!

Истасангиз, елкангизга ёғшнгичимни ташлаб кўяй? Биз, ахир, бир-биримизнинг пинжимизга кириб бутун умримизни ўтказишимиз мумкин эди-а! Сиз шуни ўйлаб, хеч качон афсус чеккан эмасмисиз, Антуан?

— Нима деб жавоб берсам экан, сизга, Сабина? Ўзингиз-чи? Сиз баҳтлимисиз?

— Жуда баҳтиёрман... Мен хам худди сизга ўхшаб ноумидлигимни ёнгишга харакат

киламан... Манави сўқмокдан кўтарилишимиз керакми? Сиздан яширадиган сирим иўк.

Анча вактгача мен факат тезрок ўлишни орзу килдим... Энди бироз енгил тортдим...

Такдирга тан бердим... Ўзингиз хам такдирга тан берисиз-ку...

— Жуда зийраксиз-а, Сабина...

— Эсингиздан чикарманг, Антуан, бир вактлар мен сизни яхши кўрганман... Менинг зийраклигим шундан... Кўлингизни узатинг, суяниб олай... Сўқмок жуда хам тик экан... Кани, айтинг-чи, Антуан, Франсуазанинг канака одам эканини сиз качон англаб етгансиз? Качон унинг хакикий киёфасини кўра олдингиз? Ахир, уйланаётганингизда севидан ўзингизни буткул йўкотиб кўйган эдингиз...

— Кўркаманки, хозир биз сиз билан бутунлай бошка-бошка тилларда гаплашяпмиз, Сабина... Мени тушунишингизни жуда истар эдим... Мен хозир хам Франсуазага хаддан ташкари боғланиб колганман. "Боғланиб колганман" деганим нимаси-я! Кулгили, аянчли сўз! Франсуазани яхши кўраман. Лекин гапингизда жон бор — турмушимизнинг дастлабки икки йилида мухаббатимиз бе-нихоя зўр ва завкли бўлган эди. Мен бу мухаббат Франсуазанинг калбида хам жўш урганди деб хисоблашга етарли асосим бор.

— Шунаками?!

— Бу гапингизни кандай тушунай? Йўк, Сабина, сиз жуда хам чегарадан чикиб кетяпсиз... Сиз мени хотираларимдан маҳрум этолмайсиз... Ўша йилларда Франсуаза менга севгисининг шунака далилларини берганки, хатто сўқир одам хам адданиши мумкин эмасди... Биз жуда инок эдик... Холи колганимизда баҳтимизнинг чеки бўлмасди... Ишонмайсизми? Бирок хар нима деганингизда хам Сабина, нима деяётганимни мен биламан-ку! Ахир, Франсуаза билан бирга бўлган мен эдим, сиз эмас эдингиз.

— Аммо мен уни сиздан аввал таниган эдим, кадрли дўстим... Мен сизнинг хотинингизни болалик чогида кўрганман. Франсуаза билан унинг синглиси Элен билан бирга катта бўлишган... Франсуаза хозиргидай кўз ўнгимда: у лицей ховлисида кўлида ракетка билан тик турган холда Элен икковимизга мурожаат килиб деган эди: "Мен Кеснэнинг катта ўглига турмушга чикмогим керак. Хар нима бўлганда хам мен бу ниятимга эришаман!"

— Бундай бўлган бўлиши мумкин эмас, Сабина! Паскаль-Бушелар оиласи анча замонлардан бери менинг оиласи билан чикишмас эди. Франсуаза мен билан таниш хам эмас эди. Биз у билан 1917 йилда мутлако тасодифан тарзда учрашиб колганмиз. Ўшанда яраларим тузалиб, энди оёкка тураётган эдим...

— Тасодифан дейсизми? Афтидан, сиз чиндан хам бунга ишонгансиз дейман? Холбуки, Эленинг гаплари хозиргача кулогимдан кетгани йўк. У оиласининг ахволини гапириб берганди. Гап шундаки, урушнинг бошланиш чогларида жаноб Паскаль-Буше синиб, хонавайрон бўлган эди. У киморбоз эди. Айни чогда коллекционерлик билан шугулланарди. Бунинг иккови хам кўп пул талаб киладиган машгулот... Кизлари уни доимо "бизнинг сultonимиз" деб чакиришарди. У, шубхасиз, шу номга лойик эди... Флерэдаги ота-боболаридан колган касрни тиклаш уни узил-кесил тамом килди. "Менга каранглар, кизалокларим, — деди у Франсуаза билан Эленга. — Бизнинг ўлкамизда факат иккита хонадон бор: Тианжлар хонадони билан Кеснэлар хонадони. Агар биз ўзимизни халос этмок ниятида бўлсак, факат шу хонадонлар билан куда-анда бўлмогимиз керак". Кизалоклар жангга ташланиб, кўшалок галабага эришишди.

— Бу воеани сизга ким гапириб берди?

— Боя айтдим-ку, опа-сингил Паскаль-Бушеларнинг ўзи гапириб берган.

— Билиб туриб, мени огох килмабсиз-да?

— Дугонамга панд беролмас эдим-ку? Бундан ташкари, бир омади чопган-да, уни якка-ю ягона имкониятдан маҳрум килаолмас эди. Ахир, на Лувьеда, на Пон-де-л Эрда сизга ўшаган анойи Дон-Кихотни мустасно килганда, хеч ким унга уйланмас эди-да... Бизнинг Нормандияда синиб миси чикканларни ёқтиришмайди.

— Нега бундай дейсиз? Жаноб Паскаль-Буше хеч качон синган эмас...

— Тўгри. Лекин кандай килиб синмай колишга эришган? Уруш кетаётган даврда уни ҳукумат кўллаб турган. Унинг яна битта куёви Морис де Тианж ўша пайтларда парламент депутати эди-да... Урушдан кейин эса... Ўзингиз мендан кўра яхшиrok биласиз-ку, охир-пировардида сизнинг бобонгиз унга ёрдам беришга мажбур бўлган...

Кайн отангизнинг мўлжаллари амалга ошди... Ох, яна ўша муаттар хид анкияпти!

Айвонга якинлаб колдик, шекилли? Бироз тўхтанг, Антуан! Бутунлай бўгилиб кетдим...

— Юкорига кўтарилаётганда гапириб келдингиз-да... Шунинг учун нафасингиз сиккан...

— Кўлингизни юрагимга кўйиб кўринг, Антуан... Гурсиллаб ураётганини сезяпсизми? Манг, дастрўмолим билан лабингизни артиб олинг... Аёллар жуда ярамас маҳлук бўлади, лаб бўёкнинг жиндай изи бўлса хам улар дарров сезади... Вой, нима киляпсиз? Лабингизни ўзингизнинг рўмолчангиз билан артиб бўларканми? Рўмолчада изи колади-ку? Рисоладаги эр бўлмаганингизда бунака нарсалардан аллакачон хабардор бўлардингиз-а?.. Дуруст... Энди чап елкангизни кокиб ташланг: унда упа излари колган бўлиши мумкин... Жуда яхши! Ана энди хаммага bemalol кўринаверишингиз мумкин. Бир неча дакикадан кейин меҳмонлар жўнаб кетишиди. Аёллар бир-бирлари билан куюк хайрлашишиди.

**Рус тилидан Озод Шарафиддинов таржимаси**

**«Жахон адабиёти» журналининг 1998 йил, 12-сонидан олинди.**